

## ФУТБОЛЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ МУСОБАҚАЛАР ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АХАМИЯТИ

Жавлонбек Абдукахор ўғли Зулхайдаров

Чирчиқ давлат педагогика институти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада футболчиларнинг мусобақа ва ўйирларда олинган натижаларни тахлили ахамияти, ва ўтказилган тажриба натижасида футболчиларда кузатилаётган техник-тактик ва жисмоний муаммоларни ўрганиш имкониятлари ва ахамияти юзасидан ишлар хақида фикрлар ва амалий тажриба ёритилган.

**Калит сўзлар:** машғулот жараёни, махсус чидамкорлик, жисмоний ривожланиш, цикл, махсус жисмоний тайёргарлик, Жисмоний юкламалар, мусобақа фаолияти элементлари, Кўрсаткичларини тахлил қилиш

### ACTIVITIES OF COMPETITIONS IN THE PROCESS OF TRAINING PLAYERS THE IMPORTANCE OF ANALYZING INDICATORS

#### ABSTRACT

In the article, opinions and practical experience on the analysis of the results obtained in competitions and games of the players, as well as the possibilities and importance of studying the technical-tactical and physical problems observed in the players as a result of the experience gained in the competitions and games of the players are covered.

**Keywords:** training process, special durability, physical development, cycle, special physical training, physical loads, elements of competitive activity, Analysis of indicators.

#### КИРИШ

Футбол дунё миқёсидаги энг ривожланган ва етарли даражада оммалашган спорт тури хисобланади. Спорт даражасидаги мусобақалар натижалари омманинг нафақат кайфиятига, балким бевосита инсонларнинг меҳнат фаолиятига таъсир қилади, миллатлар ва давлатлар мавқеига дахлдор бўлади.

Шу сабабли ҳам спорт соҳасига илмий жихатдан ёндашув ва тадқиқотлар олиб бориш жадал тарзда ривожланмоқда. Сўнги йилларда футболда, умуман олганда спортда қайд этилаётган натижалар шу соҳада олиб борилаётган тажрибалар ва янгиликлар улиши нечоғлик ахамиятли эканлигини кўрсатади. Ҳукумат соҳанинг спортга, жумладан футболга бўлган эътибори йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний тайёргарлик масалалари борган сари муҳим ахамият касб этмоқда. Футболчиларнинг жисмоний, функционал, техник-тактик тайёргарлигига таъсир кўрсатадиган омилларнинг бирлигини ўзида мужассам қиладиган бир қатор масалалар илмий-методик адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Ёш футболчилар тренировкиси бўйича алоҳида экспериментал ва методик ишланмалар турли шароитларда, ёши ва малакаси ҳар ҳил бўлган футболчилар билан амалга оширилган. Кўпинча, хусусий масалаларга эътибор берилиб, тизимлилик ва ўзаро боғлиқлик муаммолари эътибордан четда қолади. Юқоридаги келтирилган барча далиллар тадқиқ қиллинаётган муаммонинг узоқ ва яқин хориж давлатларида ҳамда Ўзбекистонда етарлича ўрганиб чиқилмаганлиги ва болзарблигидан далолат беради.

**Мақсади:** Футболчиларни тайёрлаш жараёнидаги мусобақалар фаолияти асосий элементларини аниқлаш ва кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг ахамиятини ўрганиш.

Ёш футболчиларни мусобақаларга тайёрлаш жараёнида асосий қаратилиши лозим бўлган мусобақа фаолияти кўрсаткич қиёматларини аниқлаб олиш мақсадида, футбол бўйича мутахассислар, тренер-педагоглар орасида анкета-сўров ўтказиб, ёш футболчиларни мусобақа фаолиятида юқори марраларга еришиши учун айнан қандай жихатларга эътибор бериш керак эканлигини аниқлаб олишга ҳаракат қилдик. сўровномамизда Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Бўстонлик туманида спорт маҳорат мактаблари, Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол мураббийлари ва Университет ва институтда фаолият юритадиган жисмоний тарбия ўқитувчиларидан 41 нафари қатнашдилар ва қуйидаги натижалар қайд этилди:

1-жадвал

**Футболчиларни тайёрлаш жараёнидаги мусобақалар фаолияти  
кўрсаткичлари қийматлари  
(анкета-сўров натижалари бўйича)**

№	МФ элементларининг номи	Респондентлар сони	%
1	Дарвозага оёқлар ва бош билан берилган зарбалар	39	95,1
2	Тўпни узатиш	35	85,3
3	Дриблинг(финтлар), алдаб ўтиш	30	73,1
4	Тўпни тўхтатиш	24	58,4
5	Тўпсиз ҳаракатланиш техникаси	22	53,6
6	Тўпни олиб юриш	33	80,4
7	Тўпни олиб қўйиш	31	75,6
8	Бош билан ўйнаш техникаси	19	46,3
9	Гуруҳдаги ўзаро ҳаракатлар самарадорлиги	15	36,5
10	Стандарт ҳолатларни амалга оширилиши	14	34,1
11	Тўпни ён чизикдан ўйинга киритиш	9	21,9

### МУҲОКАМА

Жадвалдан кўриниб турибдики, анкета-сўровида иштирок этган тренерлар фикрига кўра, дарвозага зарба бериш (95,1%), тўпни узатишлар (85,3%), тўпни олиб юришлар (80,4%), тўпни олиб қўйишлар (75,6%) каби техник-тактик ҳаракатлар энг аҳамиятлиси ҳисобланади. Ушбу мисоллар футбол ўйинининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади ва шунинг учун тренерлар ушбу ҳаракатлар амалларига устуворликни бериши бежиз эмас.

Афсуски, тўпни тўхтатиш каби кўрсаткичлар кутилганидан паст (58,4%) бўлди. Бизнинг фикримизга кўра, ушбу ҳаракат амалларига ўсмирлик даврида ўргатилмаса, кейинчалик футболчининг тоифаси ва маҳорати даражаси паст бўлади.

Футболчилар тайёргарлигини назорат қилиш машғулоти жараёнининг зарурий шарти ҳисобланади. Бу жараён ўқишнинг ҳар бир йили учун аниқ бўлиши ва албатта, ҳаракатларни тавсифлайдиган рақамли кўрсаткичларда ифодаланиши керак. Бевосита ўйин вақтида қайд қилинган маълумотлар ҳозирги вақтда энг информатив ҳисобланади. Бу маълумотлар орқали футболчиларда кузатилаётган натижаларни таҳлил қилиш ва қайд этилаётган камчиликларни аниқлаш имконини беради.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти футбол жамоасининг ўртоқлик ўйинларини тахлил қилиш орқали қайд этилган ютуқ ва камчиликларни аниқлаб олиш ва натижалар асосида жамоанинг муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этишни мақсад қилиб олдик.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Футбол” факультети, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаларига қарши ўтгазилган ўртоқлик ўйинларини тахлил қилинди. Тахлилда асосий эътибор жамоанинг рақиб дарвозаси томон йўллаган зарбаларига эътидор берилди.

2-жадвал

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти футбол жамоасининг ўртоқлик ўйинларини тахлил қилиш натижалари

МФ элементи	1-ўйин	2-ўйин	3-ўйин	Ўртача кўрсаткич
Дарвоза томон зарбалар	8	10	17	11.6
Аниқ зарбалар	2	5	9	5.3
Ноаниқ зарбалар	3	3	5	3.6
Тўсилган зарбалар	3	2	4	3
Жарима майдони ташқарисидан йўлланган зарбалар	3 (1 аниқ)	4 (2 аниқ)	4 (3 аниқ)	3.6 (2 аниқ)
Офсайд ҳолатига тушиш	3-2	2-4	0-2	1.6/2.6

## НАТИЖАЛАР

Институт футбол жамоасининг ўртоқлик ўйинларини кузатувлари натижаларни тахлил этганда, жамоа Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Футбол” факультети жамоасига қарши ўтгазилган бахсда рақиб дарвозаси томон жами 8 та зарба йўллади ва улардан 2 та зарба дарвоза томон аниқ етиб борди, яна 3 та зарба ноаниқ йўлланган бўлса, 3 та зарбага рақиб ўйинчилари тўсқинлик қилди. Иккинчи ўртоқлик ўйини Ўзбекистон миллий университети жамоаси билан кечган беллашувда институт жамоаси рақиб дарвозаси томон 10 та зарба амалга оширди ва улардан 5 та зарбаси аниқ ва 3 та зарба еса ноаниқ йўлланди. Яна 2 зарба рақиб муҳофаази томонидан тўсиб қолинди. Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаларига қарши ўтгазилган 3-ўртоқлик ўйинида жамоа жами 17 зарбани амалга оширди. Улардан 9 та аниқ, 5 та ноаниқ ва 4 та ноаниқ зарбалар бўлди.

Учта ўртоқлик баҳсида институт жамоаси ўртача натижаси ҳисобланганда, битта ўйин учун 11,6 та дарвоза томон зарбалар қайд этишди. Аниқ зарбаларнинг ўртача қиймати 5,3 ва ноаниқ зарбаларнинг ўртача қиймати 3,6 тани ташкил этди. Ўртача ҳар ўйинда 3 та йўлланган зарба рақиб томонидан тўсиб қолинди.

Жарима ташқарисидан йўлланган зарбаларнинг ўртача ҳисоби 3,6 ни ташкил етиб, уларнинг 2 таси аниқ йўлланди. Бу кўрсаткич жамоа Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Футбол” факультети жамоасига қарши ўтгазилган баҳсида 3 та зарба (1 та аниқ), Иккинчи ўртоқлик ўйини Ўзбекистон миллий университети жамоаси билан кечган беллашувда 4 та зарба (2 та аниқ), Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаларига қарши ўтгазилган 3-ўртоқлик ўйинида 4 та зарба (3 та аниқ) ни ташкил етди.

### **ХУЛОСА**

1. Ўйинларни таҳлил қилиш орқали Футболчи ёшларда кузатилаётган жисмоний тайёргарликдаги бази муаммоларни аниқлаб олиш имконияти мавжуд бўлади.
2. Ўйинларни таҳлил қилиш орқали мураббийлар шуғулланувчиларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаб олади. Аниқланган камчиликларни бартараф етиш учун машғулот мазмунини қайта кўриб чиқиши ёки ўзгартириши мумкин.
3. Қайт этилган ютуқлардан унумли фойдаланиш ва камчиликларни бартараф этишда самарали фойдаланиш мумкин.

### **REFERENCES**

1. Зулхайдаров Ж.А. “Юқори малакали футболчиларни махсус чидамлигини ривожлантириш”. Журнал «Интернаука». № 23 (199), 55-56. 2021 г.
2. Ulugbek Zokirov. Individual Features Of Development Of Information And Communicative Competence In Masters Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations. № 3 (3), 486-491. (2021). <https://usajournalshub.com/index.php/tajssei/article/view/2423/2314>
3. Зокиров У.М. “Эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш усуллари”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (2), 306-314. (2020).
4. Зокиров У.М. “Совершенствование тренировочного процесса студентов факультета физической культуры специализирующихся в спортивной борьбе” маг. Диссертация ФерГУ 2020 г. 25,26,27,28.

5. Зокиров У.М., Каримов Т.Р. “Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари”. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. № 2 (2), 583-590. (2021).
6. Зокиров У.М., Каримов Т.Р. “Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия дарсларида миллий ҳаракатли ўйинларни бажариш орқали жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш”. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. № 2 (4), 1166-1171. (2021).
7. Зокиров У.М., Курбанова П.С. “Олий таълим муассасалари талабаларида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш”. The journal of academic research in educational sciences. № 2 (5), 150-155. (2021).
8. Zokirov U.M. "Improvement of the training process of students of the Faculty of Physical Education, specializing in wrestling" mag. Dissertation - FerSU 2020 25, 26, 27, 28.
9. Зокиров У.М., Патидинов К.Д. “Умумий ўрта таълим мактаби 7 – 8 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини жисмоний ривожланишига боғлиқлиги”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (4), 693-697. (2020).
10. Хонкелдиев Ш.Х., Закиров У.М., Меликузиев А.А. Эффективность разработанной методики повышения физической подготовленности юных борцов вольного стиля. Наука сегодня вызовы и решения материалы международной научно-практической конференции. №1(1), 164-168. 2020.
11. Зокиров У.М. “Индивидуализация технико-тактической подготовки борцов курашистов при моделировании соревновательной деятельности”. Мамлакатимиз олий таълим тизимида жисмоний маданият таълимини модернизациялаш стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари 2019. 82-85.
12. Зокиров У., Жўраев Ш. Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни мониторингини ташкил этиш. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. №1 (3), 1115-1121 (2020).
13. Ханкелдиев Ш., Зокиров У. Оздоровительная направленность занятий физической культурой в сельских общеобразовательных школах в республике узбекистан. Наука сегодня реальность и перспективы. №1 (1), 113-114. 2019.

14. У.М.Зокиров. Олий педагогик таълим магистрларида ахборот - коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг дидактика тамойилларини илмий - назарий асослари. “УзМУ ХАБАРЛАРИ” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали. № 1/4/1, 74-77. (2021).
15. U.M.Zokirov. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida jismoniy tarbiyada sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning shakllari. “Xalq ta’limi” O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. № 5, 38-41. (2021).
16. U.M.Zokirov. Oliy pedagogik ta’lim magistrilarida axborot – kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish usullari. “Xalq ta’limi” O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. № 5, 97-100. (2021).
17. Зокиров У.М. Умумий ўрта таълим мактабинини 5-6 синф ўқувчиларини баскетбол спорт ўйини орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш. Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. № 6, 544-549. (2021).